

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
Вазирлиги
Ўзбекистон Бадий Академияси**

**Ўзбекистон санъати
тарихи**

Билим соҳаси:	200 000 – Гуманитар фанлар ва санъат.
Таълим соҳаси:	210 000 – Санъат
Таълим йўналиши -	5210204 - Тасвирий санъат тарихи ва назарияси
	5340206 - Музейшунослик
	5210800 – Рантасвир
	5210900 – Дизайн
	5211000 – Графика
	5211100 – Хайкалтарошлик
	521120 – Амалий санъат
	5340200 - Менежмент
	5140900 – Касб таълими (бакалавриат таълими йўналишлари б

Бакалавр босқичи : барча касб таълими йўналиши соҳалари учун

Тузувчи: проф. с.ф.н. Абдуллаев Н.У

Кириш

“Ўзбекистон санъати тарихи” фани бўйича тузилган ушбу дастур ДТС талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Республикамизда бадий таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларни ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса, бадий асарларнинг бадий таҳлилини ўргатувчи фан сифатида зарурят катта.

Фанни ўрганишдан мақсад бўлгуси мутахассисларини Ўзбекистон санъати тарихидаги тараққиёт босқичлари анъаналарини ўрганиш, сақлаш ҳамда ривожлантириш, замонавий жараёнларга малакавий баҳо бера олиш, яратилаётган бадий асарлар таъсирчанлигини англаш, хис этиш ва уларнинг бадий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини кўрсата олиш ҳамда мавжуд жараёнлар ва тарихий фактларга таяниб назарий билимларни ёзма ва оғзаки тарзда ўртага ташлай олиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

“Ўзбекистон санъати тарихи” ўқув фанини ўзлаштири жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- “Ўзбекистон санъати тарихи” ривож: асосий босқичлари- ибтидоий, антик, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр: санъати жараёнлари хусусиятлари ва таниқли намоёндаларини, жаҳон цивилизацияси тарихида ўзбек санъати маданиятини ўрнини *билиши керак*.

- “Ўзбекистон санъати тарихи” ривож хусусиятларини ва таниқли намоёндалари асарлари хусусиятларни бир биридан ажратган ҳолда қиёсий таҳлил йўллари топиш ва амалда қўллай билиш *кўникмасига эга бўлиши керак*.

- билим ва тушунчаларини, борлиққа, санъатга бўлган муносабатларини оғзаки ва ёзма тарзда баён этиш асарларни таҳлил этиши ва шулар ҳақида илмий, илмий оммабоп мақола ва тадқиқодлар олиб бориш ва *ёзиш усуллари малакасига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвий кетма-кетлиги

“Ўзбекистон санъати тарихи” асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур фанни ўрганишда ўқув режасида кўрсатилган Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар(Ўзбекистон тарихи, Маданиятшунослик), Умумқасбий фанлар(Жаҳон ва ўзбек адабиёти тарихи, Умум санъати тарихи) Санъатшунослик асослари фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фанни санъат тизимидаги ўрни.

“Ўзбекистон санъати тарихи” фани санъатшунослигининг ажралмас қисми бўлиб шу йўналишдаги фанларни янада мукамал ва чуқурроқ ўзлаштирилишига қўмаклашади. Талаба шу санъат ичида яшайди ва санъат моҳиятини уни ичидан ўрганади. Бу ҳол уни ўзгалар санъатини янада яхшироқ ва тўғри тушунишига хизмат қилади. Санъатшунослик фанларини чуқур ўзлаштирилиши эса мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожига алоҳида ўринни эгаллаб Ўзбекистон маданиятини жаҳон ҳамжамятидаги ўрнини белгилашда, унинг салоҳиятини кўтаришга хизмат қилиб бадий таълим, экология, туризм ривожига муҳим ўринни ташкил этади. Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил этиш ҳақидаги фармони, музейлар фаолиятини яхшилаш, халқ хунарамандчилигини ривожлантиришга қаратилган тadbир ва кўрсатмалари шундан далолат беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.

Талабалар “Ўзбекистон санъати тарихи” ўқув фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ

этиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув қўўланмалар, маърузалар матнлари, таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади.

Билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш учун талабалар қуйидагиларни ўзлаштириши лозим: Жаҳон цивилизацияси тарихида ўзбек миллий маданияти: Ўзбекистон санъати ривожига хусусиятлари ва таниқли намоёндалари: Ўзбекистон санъати тарихи асосий босқичлари-ибтидоий,антик, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр: XX аср ўзбек санъати жараёнларини билиш, асарларни таҳлил этиш ва шулар ҳақида илмий, илмий оммабоп мақола ва тадқиқодлар олиб бориш ва ёзиш.

Машғулотларни икки йўналишда- назарий ва амалий тарзда олиб бориш назарда тутилади. Маъруза,Семинар, Экскурсия, Ижодий сафар. Музей ва сурат галлереялари, рассомлар устахоналари, санъат билан боғлиқ қурилиш объектларига бориш, санъат асарларини яратиш технологиялари билан жойларда танишиш ва х.к. Талабаларнинг фан мавзу ва бўлимларини ўзлаштиришларини ўқитувчи доимий назоратда тутиши ва белгиланган баллар билан баҳолаб бориш керак. Булар қуйидагича:

Машғулотлар назорати Ж.Б. (жорий баҳо), О.Б. (оралик баҳо) ва Я.Б (якуний баҳо)да олиб борилади.

Ж.Б. - тугалланган мавзу юзасидан талабалар билими, уларнинг ижодий фикр юритиши даражасини аниқлаш бали;

ОБ. - бирнеча мавзу ўтилгандан кейин талабанинг умумий билими ва ижодий фикрлаш даражасини аниқлаш, машғулотларга иштирок этиши, интизоми натижаларини белгилаш бали;

Я. Б. - талабанинг ярим йил мобайнида ўтилган мавзуларни ўзлаштириш даражасини, талабалар орасидаги энг истиқболли ва истиснодчиларини аниқлаш бали.

Бу назоратлар ўқув йилининг ҳар икки ярим йилида амалга оширилади.

Асосий қисм

Кириш. ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ ТАРИХИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

1 Қадимги ва ўрта асрлар ўзбек санъати тарихини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари, уни ўрганиш манбалари(моддий, этнографик,лингвистик, халқ оғзаки ижоди, ёзма манбалар уларнинг ёрдамчи соҳалари- палеография, дипломатика, геральдика, сфрагистика, эпиграфика, нумизматика. метрология, хронология). Манбаларни ички ва ташқи белгиларига қараб таҳлил этиш ва х.к. Ўрганишнинг илмий асослари.Ўрта Осиё(Ўзбекистон) санъати тарихини ўрганишни бошлаган олимлар. Ўрта Осиё санъати ва маданиятини ўрганиш қачондан бошланган ва шу ишга биринчилардан бўлиб қўл урган олимлар.).2. Қадимги ва ўрта асрлар ўзбек санъати тарихини ўрганиш манбалари:Уруғчилик ва қулдорлик жамияти (V асрларгача бўлган давр)Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлганжойлар, у ерлардан топилган суяк, қул қолдиқлари. Қоятош ва ғор деворларига ишланган расмлар, суяк,тош, ёғоч, тери, сопол буюмлар ва уларнинг юзасига ишланган расм ва безаклар , турли маросимларга мўлжалланган ҳайкалчалар, тумор, тақинчоқлар ва х.к.2. Эрон, хинд, хитой манбалари, антик тарихчи ва ёзувчиларининг ёзма материаллари ва б.(Эрон манбалари-тош ва сопол юзасига ўйиб ишланган катибалар(мих хатлар),бўртма тасвир ва ёзувлар, “Авесто” маълумотлари, “Подшоҳнома”, “Шоҳнома” , хинд дostonлари “Махабхарата”, “Рамаяна” , шунингдек зардуштийлик таълимотининг асосий китоби “Авесто” муҳим манбалари), антик давр манбалари (Геродот, Диодор, Помпей Трог,Арриан Флавий, Квинт Курций Руф, Страбон ва б.). Ўрта Осиё(Ўзбекистон) санъати тарихи қадимги санъати ва маданиятини ўрганишни бошлаган олимлар. Массон, Пугаченкова, Ремпел, Шишкин, Альбаум ва б.).

Ибтидоий жамоа даври санъати . Ўзбекистон ҳудуди инсоният маданиятининг қадимги ўчоқларидан бири сифатида. Ибтидоий давр хусусиятлари, тараққиёт босқичлари.Палеолит, Мезолит ,неолит, бронза ва темир даври санъати хусусиятлари.Тасвирий санъат турларининг ривожланиш тамойиллари, муҳим манзиллари, мавзуси, ишлаш услублари.

Меҳнат тақсимотини юзага келиши ва. санъатда локал хусусиятларнинг пайдо бўлиши. ўзига хос маданияти шаклланиши. Шеробод маданияти (мил. аввалги 2 мингинчи йиллар). Сополли тепа ва Жарқўтон комплекси маданият хусусиятлари. Тозабегёб, Сувёргон, ўзбек маданияти тарихида муҳим босқич сифатида, бу янги жараён сопол буюмлар юзасини сир(глазурь)билан қоплаш.

Тасвирий санъатда шартли белги ва рамзларнинг пайдо бўлиши. Шартли белги ёки шакл заминидан реал борлиқнинг у ё бу мавжудоти ўзини намоён эти бошланиши.

Хоразм Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бири сифатида. Қўйқирилган қалъа. Амалий ва тасвирий санъат(хумлар, хайкаллар, деворий расмлар). Астадонлар улар тур ва кўринишлари.. Жонбос, Бургут қалъа ҳам Хоразм давлатининг муҳим қургонлари . Кузали-қадимги Хоразм давлатининг дастлабки пойтахти сифатида.

Қанқа давлати (э.а У1 асрлар) Паркана (Даван) давлати пойтахти Косон(ҳозирги Косон). олтин, қумуш ва бронзадан ишланган буюмлар, қулолчилик, тўқимачилик, қурулсизлик санъати.

Ахоманийлар даври санъати Ўзбекистон Ахоманийлар давлати таркибида(Э.а.У1 -1У асрлар)

Даврнинг сиёсий,иқтисодий аҳволи. Ахоманийлар даврида санъат ва маданият. Меъморлик. Шаҳарсозлик. Тасвирий санъат. Давр санъатини ўрганиш манбалари. Даврнинг маҳобатли рассомлик санъати ва уларнинг хусусияти. Ҳайкалтарошлик. думалоқ ва рельеф санъати. «Окс бойлиги» намуналари давр санъатини ўрганиш учун асос сифатида.

Амалий безак санъати. қимматбоҳо металлдан, олтин ва қўмишдан турли идишлар, безак буюмлари, тақинчоқлар яшаш санъати. Олтиндан ишланган кўза (Окс бойлиги намунаси), инкрустация услубида ишланган тақинчоқлар, муҳрлар, турли меҳнат ва жанг қурул , аслаҳалар, уй анжом буюмлари.

Антик давр санъати. Александр Македонский ишловлари ва ундан кейин вужудга келган давлатлар санъати

Александр Македонскийнинг ишлови ва унинг вафотидан кейин пайдо бўлган давлатлар. Селевкийлар давлатига асос солиниши...

Салавкийлар даврида (мил ав. 312 – 250) Меъморлик. Турли ерларда янги шаҳарлар барпо этилиши., юнон маданиятининг тарқалишига эътибор. Тасвирий санъат.Сарой ва зодагонларнинг уйлари рассомлик ва Ҳайкалтарошлик асарлари билан безатилиши, полларга мазаика ишланиши.

Ҳайкалтарошлик санъати. маҳобатли ва майда пластика санъати. Праксител ижоди таъсири. Эллинизм давр Хоразм сиёсий,иқтисодий аҳвол.Хоразмни юксалиши. Меъморлик. Серхашам сарой ва қабулхоналар, зардушлик дини билан боғлиқ бўлган оташпарастларнинг саждагохлари. Меъморли - замоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳолати асосида юзага келган маҳобатли характери жиҳатидан муқоффа вазифасини етакчилиги. қадимги кўрғоналар Жонбос қалъа, Тупроққалъа, Қўй қирилган қалъа, ва б..

Тасвирий санъат. Рассомлик санъати. Унинг мавзуси. Тупроқ қалъа деворий рассомликнинг парчалари «Арфа чалувчи», «Шер расми», «Узум шодаси, дарахтда ўлтирган қуш» ва бошқалар. Ҳайкалтарошлик. . майда Ҳайкалтарошлик . маҳобатли Ҳайкалтарошлик санъати.. зардуштийлик дини билан боғлиқ Ҳайкаллар. . турли қуш,балиқ ва ҳайвонлар тасвири Хоразм қадимги Ҳайкалтарошлигида юнон пластикаси таъсири Ҳайкаллардаги қийим букланишлари(драпировкаси)да, одам (аёл) юз ишланиши. Тупроққалъадан топилган одам боши Ҳайкали. Қўй қирилган қалъа Ҳайкаллари. одадонлар.Одам Ҳайкали-одадон. Ҳайкалтарошликда бронза , тош, мрамор, фил суяги.Амалий,амалий безак санъати.Тупроққалъадан топилган бигиз, тўгногичлар тепа томонида, ҳайвон тасвири ишланганлиги. бронзадан ишланган кўзгулар шакли, уларнинг банд қисми Ҳайкалтарошлик шакллари билан безатилганлиги. Амалий санъат. металл ишлов бериш, Мисдан ишланган идишлар. олтиндан ишланган буюмлар , тангалар.тўгногич (бўлава), бигиз бронзадан қуйиб ишланган буюмлар.Хоразм маданиятини ўрганишда даврга оид танга толилмалари. Уларнинг хусусияти. Қулочилик Хоразм сопол буюмлари. Фляга.

Грек Бактрия давлати ва унинг парчаланиши натижасида пайдо бўлган давлатлар санъати

Юнон (Грек) Бактрия давлати. Унинг ҳудуди даврий чегараси.Даврнинг сиёсий ва маданий аҳволи. Меъморчилик комплексларини юзага келиши.. Меъморликда янги гоҳлар ривожланиши, янги янги шаҳарлар барпо этилиши (Термиз). Маҳобатли Ҳайкалтарошлик.Декоратив Ҳайкалтарошлик. Майда пластика. Рельеф санъати. Танга юзасига ишланган бўртма тасвирларнинг давр санъатини ўрганишдаги ўрни. Тангалар ўнг томони подишоҳи (ҳуқумдор) ҳомийси бўлган мобудалар бўртма тасвири чап томонида эса ҳуқумдорнинг айлана ичидаги бўртма тасвири ён томонидан ишланганлиги. тангалар юзасидаги бўртма тасвирлар услуби жиҳатидан юнон классик

санъати анъаналарида , энг аввало Фидий, Праксител, Лиссип ижодига хос услубда бажарилганлиги, Фидийнинг Олимпдаги Зевс хайкалига тахлид қилиш Подишо бўртма тасвирлари реал ва хайкалтарош тасвирланувчи фақат ўхшатиб қолмасдан балки унинг характерининг ҳам очишга интилганлиги. Деметрий тасвири туширилган танга. Эвкратид бўртма тасвири, Гелиокл портрети.Эллинистик давр Ўзбекистон санъатида маҳобатли хайкллар. олтидан ишланган хайкаллар уларнинг характери.

Қанға(Қанғ) давлати. Грек Бактрия давлати парчаланиши натижасида пайдо бўлган Қанғ давлати.унинг худуди, даврий чегараси. Меъморлик Октепа ёдгорлиги. Қурилишда паҳса ва хом гишт ишлатилиши. Биноларнинг ички ва ташқи пардози.

Миёнкальа пластинкалари сюжети. Жанг ва ов манзаралари тасвири. Амалий- санъат, хунармандчилик. Олтин, қумуш, мисдан ишланган турли буюм ва тақинчоқлар. Кулолчилик. Буюмлар юзаси рангли ва чизикли тасвирлар билан безатилганлиги.. қурол аслаҳа, кийимлари.

Паркана - Даван давлати. Даврий ва худудий чегараси. Меморлик мажмуалари, деворий расмлар ҳамда хайкалтарошлик асарлари яратилиши. Қувадан топилган ибодатхона.унинг хусусияти. Тасвирий санъат оид хайкаллар Будда, Дев хайкаллари

Тохаристон давлатида даврий ва географик чегараси, маданий ва сиёсий ҳолати. саройлар, қалъалар. Маҳобатли санъат ёдгорликлари Қўргон миноралари, хашаматли кириш дарбозалари Қўргон ичида жойлашган сарой комплекси бадий беағи

Будда хайкали. Айритом хайкаллари Термиз (Ўзбекистон) яқинидан топилган Айритом шаҳар харобаси шу давлатнинг муҳим манзили сифатида. бу ердан топилган меъморлик фризлари. Деворий расмларда дини билан борлик войқеалар акс этган. Ўймақролик, ёроч ўймақорлиги.

Кушонийлар даврида Ўзбекистон санъати

Кушон давлати давлатининг пайдо бўлиши. Даврнинг сиёсий аҳволи. Буддизм дини, унинг санъат ва маданият характеридаги ифодаси. Кушонлар даври меъморлик санъати. Зардуштийлик ва буддавийлик динлари билан боглик меъморий мажмуалар Шаҳарсозик Далварзин тепа Кушон давлатининг муҳим маркази сифатида. Кампиртепа, Кора-тепада ((Сурхондарё обл. Эски Термез) буддизм билан боглик меъморлик комплексларни очилиши.

Айритомдан (Термиз яқинидан) топилган тошдан ишланган рельефлар Зурмала қалъа"

Холчаёнда (Сурхондарё обл.) бино қолдиқлари, унинг хусусияти . Хоналар деворий сурат ва хайкаллари Холчаён. Саройи меъморий мажмуаси хусусиятлари.Ташқи ва ички бадий ечими. Зартепа,Кора тепа ва б) Ибодатхоналар .

Кушон даври тасвирий санъати. Далварзинтепа , Холчаён ва Айритом , Кора-тепада деворий суратлари .Будда ва унинг яқинлари билан боглиқ расмлар. Хайкалтарошлик.

Кушонийлар даври тангалари хусусияти. Амалий санъатда яратилган кулолчилик, заргарлик ва металлдан буюмлар ясаш, қумуш, олтин ва бронза санъати, олтидан ишланган турли тақинчоқлар, кўмиш буюмлар. инкрустация санъати Кулолчилик. Қадаҳлар таърифи.

Ўрта асарларда Ўзбекистон санъати

Кириш. Ўрта шарқ мамлакатларида ўрта аср санъати ва маданиятининг ўзига хос томонлари,тараққиёт босқичлари(У- XIX асрлар.Эфталитлар даврида Ўзбекистон санъат. Эфталитлар давлати ташкил топиши Географик ўрни.Пойтахти Марказий Осиё ерларида туркий кавмларнинг кучайиши, бирлигининг ортиши ва тилининг ривожланиши Сўғд, Бактрия, Хоразм антик дунё анъаналарига яқун ясаб, янги ўрта аср маданияти йўналишларига йўл очиши. Эфталитлар даврида меъморий безак санъати. Қурилиш санъатида янги технология, мавзу ва ғоялар, услубий рангбаранглик. Меъморлик мажмуалари, Санъат синтези масалалари. Тасвирий санъат Бухро яқинидаги Варахша қаср ва саройлари, турар жой бинолари бадий ечими, мавзуси. Хайкалтарошлик санъати, унинг тур ва жанрларининг ишланиш услублари. Амалий безак санъати.

Турк хоқонлиги даврида Марказий Осиё халқларининг маданий алоқа майдонларини кенгайтиши. Тасвирий ва амалий санъат, меъморлик безак санъати анъана ва усуллар. Хоразм, Сўғд, Шош, Фарғона, Тохаристон, Уструшона, Кашкадарё, Сурхондарё ерларида санъат-маданият борасида жонланиш. турли мактаб ва йўналишлар. Тасвирий ва амалий санъатда янги типдаги асарлар яратилиши, Кандакорлик (торевтика) санъати. Тасвирий санъатда пластик масалалар.

Турк хоқонлиги даврида тасвирий санъат. Монументал рассомлик. Сарой,ибодатхона ва фуқоро турар жайлари турли маросимлар ўтказиш учун бинолар қарилиши. Ва уларнинг бадий ечими.

Феодалларнинг қаср-қўрганлари, бой зодогонларининг шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги қасрлари бадий безаги хусусияти. қўргон-қасрлар деҳқон феодалларнинг турар жойи сифатида унинг бадий ечими.

Болалик тепа саройи (Амударё хавзаси), Афросиёб, Варахша, Кахкаха саройлари, Амалий санъат буюмлар юзасига ишланган расмлар ва уларнинг мавзуси. Остодон ва хумларга ишланган расмлар. Аза тутиш. Инсон ҳаётининг тўрт фаслини акс эттирувчи хум ва б Ҳайкалтарошлик. Монументал ва декоратив ҳайкалтарошлик. Думалоқ ва бўртма тасвирлар. Уларнинг ишлаш технологияси. Ҳайкалтарошлик мавзуси. Амлалий, амалий безак санъати. Кандакорлик, бадий тўқимачилик, китобат санъати Инкрустация услубида китоб муқовалари тайёрланиши, қадаматошли оёқ кийимлар. Кулолчилик Ёғоч ўймакорлиги. Мавзули ва нақшқошлик ўймакорлиги. Либослар.

АРАБ ИСТИЛОСИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНЪАТИ

АРАБЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЮРИШИ Ўрта Осиё халқларининг араб босқинчилирига қарши олиб борган кураши. Араб истилоси даврида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-маданий ўзгаришлар. Араблар истелосидан кейинги давр санъати. Араб алифбоси ва маданияти. Ислом дини ва санъат Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши билан боғлиқ санъат ва маданиятда содир бўлган ўзгаришлар. Араб истилоси йилларида Ўзбекистон меъморчилиги, унинг хусусияти. Масчитлар, уларнинг хусусияти.

Тасвирий ва амалий санъат. Шарк. мутафаккирларининг тасвирий санъатга бўлган муносабатлари. Реалликдан абстракт тафаккурга ўтиш, борлиқ қонунларини илмий асосда ўрганиш ҳаракати. УП-УШ асрларда нақш санъати ривожланиш сабаблари. Араб истилоси даврида Урта Осиё ҳудудида мавжуд зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва уларнинг шу давр санъатига таъсири. Санамлар, деворий расмлар, ибодатхона, оташхона, монастирлар. Амалий, амалий безак санъати. Кандакор санъати (торевтика), унинг намуналари хусусияти. Сўғд чавандози, Қалъани қамал қилиш ва б.

Мустақил давлатлар ташкил топиши йилларида Марказий Осиё(IX-XI)

Марказий Осиё ерларида маҳаллий феодал давлатларни ташкил топиши. Карлуклар, угузлар, тохурийлар давлати. Самонийлар давлати. Салжуқийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлати. Фан ва маданиятда жонланиши, меъморлик, амалий, амалий безак санъатида янги қурилиш ва пардозлаш материаллари технологиялари ишлаб чиқирилиши. Самарқанд ва Бухорода қогоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйрилиши. Нисбатан арзон ва қулай қогоз (пергамент ёки шоига нисбатан) муомалада кенг қўламда ишлатилиши. хаттотлик, қўлёзма китоблар тайёрлаш маданияти. Ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд қогозлари хаттот-қотиб мавқий. хаттотлик ёзуви Қўлёзма китоблар тайёрлашда наққош лавҳалар. - Давлатлар пойтахтидаги катта кутубхоналар нодир қўлёзма ва китоблар билан тўлиб бориши.

Санъат ва маданиятда, урф-одатларда таъсирланиш ва таъсир этиш жараёни. санъатда узига хослик, миллий локал хусусиятларнинг бетакрорлиги юзага кела бошлаши.

Самонийлар давлати

Самонийлар давлатининг ривожланиши. Пойтахти. Бухорода катта қурилиш ишлари олиб боририлиши. шаҳар муҳофаа девори ва 11 дарвозаси. жамоат ва турар жойлар.

Ўрта аср шаҳар меъморлик кифаси. Масчит. Шаҳар ва шаҳардан ташқарида турар жой ва мамурий бинолар қурилиши Масчитлар типлари- жума масчит, гузар масчит, намозгоҳлар, Масчит ичида кибла томонда меҳроб ёнида минбар. Номозгоҳга чиқиш учун минора ишланиши. Укув даргоҳлари, мадрасалар қурилиши. Хонақоҳлар. Чорсу савдо гумбазлари, шаҳар дарвозалари, қарвон саройлар, макбаралар қурилиши Самонийлар макбараси. Мир Саид Баҳром макбараси (X аср охири XI аср боши, Рабата Малик (қарвон саройи)) Тасвирий ва амалий санъат. Ибн Арроқ ва унинг ибн Сино портрети

XI-XIII асрлар санъати. Меъморлик. пешток-гумбазли макбаралар қурилиши. Магока аттори масчит (XII аср). XI-XIII асрда минора қурилиши Бухородаги Колон масчит минораси, Жарқургон минораси унинг бадий ечими. Жарқургон минораси. Вобкентдаги минора (1196-11..).

Хоразм макбаралар хусусияти. Куня-Урганч (Хоразм) даги Фахриддин Роза ва Текеш макбараси ўзига хос хусусиятга эга. Гарчи Урта Осиёда кенг тарқалган пешток-гумбазли композиция типига кирса ҳам лекин у қиррали барабанга урнатилган чодирси-мон гумбаздан ташкил топганлиги.

Давр тасвирий санъати мавзуси. Амалий санъат буюмлари устига тасвирлар ишлаш, жонивор ва кушлар тасвири билан безаш санъати, афсонавий ҳайвонлар расми ва хайкали.

тасвирий санъат элементлари кенг ишлатилганлиги. реал борлиқ нихоятда соддадаштирилган ва нақш элементига айлантирилган ҳолда ишланганлиги. Реал тасвир унсурлари ёғоч ва тош ўймакорлиги санъатида ўрни.

Амалий санъат. Торевтика санъати, кулолчилик, шишасозлик.

Мўғиллар истислоси даврида Ўзбекистон санъати (XIII-XIV асрлар ўрталари)

Мўғиллар истислоси, халқнинг мўғилларга қарши қураши. Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик. Истило даври сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳвол. Меъморлик. Масчит, макбара ва мадрасалар.

Мўғул даври илк меъморчилиги. Узоқ шарқ санъати таъсири. Буддавийлик ибодатхонаси хусусиятлари. Қурилишда ёғоч. меъморлиги . Шоҳи зинда мажмуида, жумладан Кусам ибн Аббос макбараси қабртоши. Хониё мадрасаси.

Янги шаҳарлар қурилиши. Андижон, Насаф, Қарши.эски шаҳарлар таъмирланиши,. Хунарамдчилик. Қурилишда меъморликнинг Ўрта Осиёда услуги, Пештоқли гумбазли бинолар, сирли қосин ва бекалар билан пардоз. Амалий санъат.Кулолчилик, ўймакорлик санъати.

Темур ва темурийлар даври санъати

Темур ва темурийлар давлати хусусияти, унинг санъат ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси. Темур ва унинг сулоласи даврида Ўрта Шарқда фан, санъат ва маданият. Темур даври санъати (1360-1405)

Меъморлик санъатининг етакчилиги. Амир Темурнинг қурилиш санъати ҳақидаги фикри. Темур даври меъморлигида йирик ва мураккаб меъморлик мажмуалари ёдгордикларини юзага келиши. Уларнинг бадий конструктив тузилиши. Ички ва ташқи пардоз. Сирли сопол тахтачалардан ишланган рангли нақшлар, ўйма сирли нақшлар. Ўрта Шарқ халқлари ижодий тафаккурининг катта ютиғи сифатида. Темур даврида шаҳар ва шаҳардан ташқарида саройлар қуриш, истироҳат боғлари яратиш ҳаракати, истироҳат боғларининг тарҳи ва бадий ечими. Темур боғлари. «Дарвозаи феруза», Боғи баҳишт, «Боғи шамол», "Бори наф". Темур даври саройлари. Оқ сарой мажмуаси , унинг тузилиши ва бадий ечими . Сарой ҳақида элчи Кловиҳо таасуротлари. Мачитлар. Бибихоним жомеъ масчити. Унинг қурилиш тарихи. Конструктив ва бадий ечими. Қурилишда ўрта ва яқин шарқнинг кўп услалари иштирок этиши. Макбаралар Макбара тарихи. Темурнинг отаси ҳамда тўнғич ўғли Жаҳонгирга атаб қурдирган масчит ва макбара.«Шоҳ зинда» меъморлик комплекси Темур қурдирган макбаралар хусусияти Туман оқо мажмуаси (1405-06) Шоҳи Мулк макбараси ва б.

Миниатюра ва деворий рассомлик. Ҳайкалтарошлик амалий санъат буюмлари юзасида ишланган расмлар. Китобат санъати...Бибихоним мачити расмлари . Боғи Шамол, . Дилкушо саройи деворий расмлари. Темур ва унинг яқинлари портретлари. Темур портрети (номаълум рассом ишлаган портрет). Темурга бағишланган Европа, Эрон, Хидистон рассомларининг асарлари. (Рембранд, Давид ва б.). Миниатюра санъати . X асрлар ва унча бўлган даврда китобни бадий безаш ва унга миниатюралар чизиш санъати мавжудлиги ҳақида ёзув манбалари. китобларга иллюстраци тарзида ишланган миниатюра санъати . Устод Гунг Ўрта Осиё рассомлик мактабининг асосчиси

Абд ал-Ҳайя. Унинг ишлаш услуги самарқан рассомлик мактабини асосини ташкил этиши. «Шер», «Сувдаги ўрдак», «Урушаётган икки жангчи» расмлари . Сааадийнинг "Гўлистон" асарига ишланган расм ва б. Рассом қаламининг ўткирлиги, колоритининг аниқ ва жиддийлиги кейинги Хирот мактаби шаклланишида муҳим ўринни эгаллаганлиги

Пир Аҳмад Боғи Шамолий. Монидан ҳам юкори қўйилиши . Боғи - шамол саройи. Жомийнинг "Олтин занжир" асарига ишланган расмлар. Ҳайкалтарошлик. Олтин ва қўмишдан ишланган қуш, олма, дарахт. Темур даври амалий, амалий безаш санъати Қуролсозлик. тўп ихтироси.

Кандакорлик. Амир Темур қозони. Шишасозлик. Наққошлик. Кулолчилик, Тўқимачилик, зардўзлик, либос санъати. Темур даври либослари (Маиший ва ҳарбий либослар).

Темурийлар даври санъати Темур вафотидан кейинги йилларда Ўзбекистон санъати Темур вафотидан кейинги сиёсий вазият. Шохруҳ ва Улугбек даври санъати. Меъморлик. унинг хусусияти. Самарқанд, Бухоро ва Вобкентда қурилган мадрасалар Тасвирий санъат. Мусаввирлар Мавлоно Захриддин Абдулла, Мавлоно Захриддин Азхар ва бошқа йирик санъаткорлар баённомани расмлар билан безатиш.

Камолиддин Бехзод (1455-1530) ҳаёти ва ижоди. Илк асарлари, К. Бехзод портрет санъатидаги ижоди (А. Навоий, А. Жомий, Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Султон Хусайн, Мирзо портретлари). Бехзод Табризда. шогирдлари Султон Мухаммад Қосим Али, Чехракушо, Абдулазиз Исфаҳоний, Шайхзода Хуросоний ва бошқалар Улар Бехзод ижодини давом эттириб Шарк миниатюра санъатининг кенг қирраларини очилишида ўрни.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Даврнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи. Шайбонийхон ва унинг сулоласи даври санъати. Шайбонийлар даври меъморлиги Бухоро яқинида қурилган Чор Бақр мажмуаси, Тошкентдаги Қўқалдош мадрасасини ва б.

Мир араб мадрасаси Тошкентда Шайбонийлар авлодидан бўлган Суюнижхон мақбараси. Абдулла хон мадрасаси. Катта Калон Жомеъ мечити ва Мир Араб мадрасаси. Мадари-хон ва Абдуллахон мадрасаси, Улугбек ва Абдулазизхон мадрасаси. Бухородаги Лаби ховуз. Нодир девон беги мадрасаси ва бошқалар. Чор Бақр меъморий мажмуаси ҳам даврнинг йирик қурилмаларидан. Абдуллахон мадрасаси. Тошкентда Баракхон мадрасаси. Ал Бақр Кафали Шоший (1541-42)

Шайбонийхон санъатга ҳомийлик қилиши, китобат санъати, хатотлик ва у билан боглик ҳолда миниатюра санъати ривожланиши. Қўлёзмалар безаш, китоб чоп этиш борасада бухоролик усталар донг таратишлари. ўрта осийча миниатюра мактаби ва унинг хусусияти. «Шайбонийнома», «Фатхнома» ва «Тарихи Абулхайрхон» қўлёзмалари «хаттотлар қироли».

Мир Али ижоди

Махмуд Музаҳҳиб (1485/90 - 1572) ҳаёти ва ижоди. Рассомнинг Алишер Навоийнинг хассага таяниб турган ҳолда тасвирланган сурати Махмуд Музаҳҳиб тарихий ва маиший жанрлардаги асарлари. «Султон Санжар ва тўқувчи кампир билан учрашуви» диптихи. Саадийнинг «Бўстон» асари миниатюралари.

Махмуд Музаҳҳиб шогирдлари Мухаммад Чағри Мухассин, Абдулла, Мухаммад Мурод Самарқандий ва бошқалар китоб санъати, миниатюра санъатни ривожлантиришда ўрни. Мухаммад Мурод Самарқандий. Ҳаёти ва ижоди. Темирчи Кова қўзғолониига бағишланган миниатюраси «Шоҳнома» қўлёзмаси миниатюралари

АШТАРХОНИЙЛАР (ЖОНИЙЛАР) ДАВЛАТИ (1601-1753)

Аштархонийлар сулоласи (1601 йилдан 1753) давридаги сиёсий вазият. Санъат ва маданиятдаги ўзига хослик. Меъморлик. Абдулазизхон мадрасаси (1652) Абдула-зизхон. Тилла қори мадрасаси, Шердор, Девон беги ва б. Савдо расталари ва тимлар

Тасвирий санъат. Абдулазизхон ва Субхонқулихон саройи китобхонасида мусаввир ва хаттотлар Хўжа Гадо, Аваз-Мухаммад, Хўжа Муқим, Мулла Бехзод. хаттотлар Мирза Барки, Мирза Мир Муниш, Араб-Шоҳ ва Фарход мусаввир.

Амалий, амалий безак санъати

Хонликлар даври да ўзбекистон санъати БУХОРО АМИРЛИГИ

Бухоро амирлиги (1753 йилдан 1920 йиллар) даври сиёсий вазияти. Иқтисодий ва маданий аҳвол. Бухоро амирларининг санъатга мугосабати. Санъатнинг хунарманлик ва халқ санъати даражасида ривожланиши

Монументал рассомлик. Деворий расмлар. Миниатюра ва китобат санъати. Ахмад Дониш (1827-1887) ёзувчи, шоир, рассом, хаттот сифатида . . "Мажнун саҳрода" "Рассом ва шоир"

Хива ва Қўқон хонлигида сиёсий ва иқтисодий-маданий аҳволи.Иқтисодий барқарорлик ва маданий ҳаётда жонланиш.

Меъморлик. Шаҳарсозлик. Хива, Хазорасп, Тошовуз, Гурлан ва Кенжа катта қурилишлар амалга оширилиши . Дарвозалар қаронсаройлар ва мадрасалар. Пахлавон Макмуд макбараси 1810 ,

Тош Ховли 1838 Ичан -1874) . Тасвирий ва амалий санъат. Монументал рассомлик. Миниатюра ва китобат санъати. Муҳаммад Мурод Самарқандийнинг Хива хони Элбарсхон учун ишлаган миниатюралари.

Қўқон хонлигини ташкил топиши.Даврнинг сиёсий ва маданий ҳамда иқтисодий аҳволи. Меъморлик. қалъа ва қўргонлар . Маҳрам қалъаси, Ок масчит (ҳозирги Кизил урда), Авлие ота (Жамбул), Пешпек (Бишкек) пойтахти Қукон шаҳрида катта қурилиш ишлари , масчит мадрасалар . Шаҳар марказида бозор ва гузарлар,жума мачит,чорраҳаларда эса катта бўлмаган қарвон саройлар қурилди.Бу давр меъморлиги кам безакли бўлиб биноларни катта қисми лой ва пахсадан бунёд этилди. Фарғона водийси меъморлиги хусусияти. Намангандаги Хўжамнинг қабри макбараси Унинг гумбаз ости қўриниши . Меъмор Муҳаммад Иброҳим. Маргилондаги Зулқарнайн минорали макбараси Фарғонада авлиёларга атаб қурилган мазорлар ,уларнинг характери. пештоқ--куббали бинолар. ХУ111 аср ўрталаридан Хўқанд қишлоғи Қўқон хонлиги пойтахтига айлантирилиши.Қурилишга бухороли усталарни янги пойтахтга таклиф этдишли. бинолар беағи ва тарҳида Бухоро таъсири. Норбўта бий мадрасаси

Тасвирий санъат. Реалистик тасвирий санъат деворий рассомлигида гулдон ва ундан чиқиб турган турли гуллар аноср шохчаси тасвирлари. Хўжамнинг қабри(Наманган). Амалий санъат.

Ўзбекистон Рус чоризми асорати йилларида 2. Туркистон генерал губернаторлигини ташкил этилиши. Тошкент губернаторлигининг пойтахти. Туркистон генерал губернаторлиги амалий ва меъморий безак санъати ва унинг санъат уйғунлигидаги ўрни. Меъморлик давр иқтисодий сиёсий аҳволини акс эттирувчи барометр сифатида. Туркистон генерал губернаторликда меъморий ва амалий безак санъатининг хусусиятлари, мавжуд меъморлик услубларининг санъатдаги ифодаси.

XX аср Графика санъатининг етакчилиги. Санъатда миллий ўзига хослик тамойилларини шаклланиб бориши. Маҳаллий рассомлар Фақир ал-ҳақир Раҳматулла , Раҳматилла бин Мулла Абдушукур, Сирожиддин Маҳсум Сиддиқий ва б. XIX аср охири XX аср бошлари китоб графикаси узининг услуб рангбаранглиги. Тошкентда нашр қилинган "Шохнома", "Фарход ва Ширин"(1908 йили), «Гулистон», "Гўрўғли» достони иллюстрацияларида миниатюра санъати анъаналари, қаҳрамонлар қайфиятини реалистик талқин этишга ҳаракат. "Минг бир кеча", "Ажойиб-ғаройиблар, "Фарход ва Ширин, Г.А.Панкратевнинг рус тилида нашр этилган "Исторические панятники г.Самарканда" (1910) И.И.Гойернинг "Путеводитель"по Туркестану" (1901) асарларда рус ва Европа китоб санъати анъаналари. китоб графикасида янгича шакллар топишга бўлган ҳаракат. "Модерн" услуби."Урта Осиё" альманахи (1895) Ўзбекистонда яшаб ижод этган хорижий рассомлар ижоди, уларнинг миллий маданиятдаги ўрни. Аср бошларида ҳайкалтарошлик санъати. Уста Тўхта Содик Хужаев ҳайкаллари. Микешин Михаил Осипович (1835-1898) ижоди. Маҳобатли ҳайкалтарошлик. Абдурахим тоштарош(Турдиев) ижоди.Майда ҳайкалтарошлик.

Хорижли рассомлар ижоди. В.В.Верещагин, Н.Н.Каразин, Д.В.Вележев, Дмитриий Кавказский, О.Федченко, Т.Шевченко, С.Светославский, Г.Габашвили, Микешин Н.Кузнецов, К.С.Петров-Водкин, С.Юдин, И.Казаков, Р.Зоммер ва б. ижоди хусусияти.

Туркистон генерал губернаторлигини ташкил этилгандан кейинги сиёсий, маданий ва иқтисодий аҳвол

XX аср Ўзбекистон тасвирий санъати

XX аср Ўзбекистон санъати ва унинг жаҳон ҳамжамятидаги ўрни. XX аср Ўзбекистон санъати тарихининг адабиётларда (матбуотда) ёритилиши ва уларни ўрганиш муаммолари. XX аср Ўзбекистон санъати тарихини ўрганган тадқиқодчилар Г.А.Пугаченкова, С.М.Круковская, Г.Н. Чабров асарлари таҳлили. 30-70-йиллар санъатшунослиги. В.Н.Чепелев , "Искусство Советского Узбекистана (М.1935), Б.М.Никифоров, Ремпел Л.И. Б.В. Веймарн, монографиялари. Л.А.Жадова(Современная живопись Узбекистана Т.1963), Р.Такташ(Изобразительное искусство Узбекистана. Т.1972), А.Р.Умаров, В.Г. Долинская, Л.В.Шостко, В.Л.Лаковская, Н.У.Абдуллаев, Н.А.Зиганшина, А.Э.Эгамбердиев, Ш.Ш.Шоёкубов, Д.С.Саидова, А.А.Хақимов, Н.Р.Аҳмедова, К.Б.Оқилова ва б. Санъатшуносларнинг замонавий ўзбек санъатга бағишланган тадқиқодлари. XX

аср Ўзбекистон санъати ривожланиш босқичлари ва давр санъатининг баҳолаш меъзонлари. Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши ва ўзбек санъатшунослик масалалари. XX аср бошларида Ўзбекистон тасвирий санъати Аср бошларидаги бадий ҳаёт. Шарқ уйғониши. «Тараққийпарвар»ларнинг миллий тасвирий санъат равнақидаги ўрни. И.Даврон, С.Сиддиқий, Хондақлиқий ва б. ижодида миллий истиқлол ғояси. XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида сиёсий ва маданий вазият. Даврнинг амалий ва меъморий безак санъати. Ситораи Мохи-Хоса саройининг бадий ечими. Санъатда синтез масалалари. Усто Хўжа Хофиз ижоди. Амалий безак санъати. Усто Ширин Муродов. Хива хонлиги санъати ва маданияти. Меъморий ечим ва амалий санъат. Исломхужа минораси. Тасвирий санъат, графика санъати Хива хонлиги маҳобатли рассомлик кошин санъати сифатида, халқ санъати, амалий безак санъати Хива ёғоч ўймакорлик мактаби уста Ота Полвонов ижоди.

20 – йиллар тасвирий санъати.

Бадий ҳаёти.

20 – йиллар бадий ҳаёти. Феврал буржуа инқилоби ва октябр тўнтаришининг санъат ва маданиятга таъсири. Санъатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни санъат турларининг кенг ёйилиши ва янги турларининг пайдо бўлиши сабаблари (Байрам, намоёниш, турли йиғилишлар учун безак ва расмлар ишлаш). Монументал тарғибот режаси. Унинг Ўзбекистонда амалга ошириши. Бадий мактаблар ташкил этилиши, музейлар очилиши, кўргазмалар ташкил этилиши. Маҳаллий рассомларнинг кўргазмаларда иштирок этишлари, Москва, Петербург шаҳарларига ўқишга боришлари. Ҳайкалтарошликда давр акс. Э.Руш. Озодлик ҳайкали ва б. Дастгоҳ ҳайкалтарошлик. Дарвиш ҳайкали

20 йиллар мавжуд бўлган гуруҳ ва тўдалар, уларнинг санъатда фикр ва пластик масалаларга муносабати.

20 – йиллар рассомлик санъати

Графиканинг мафкурадаги ўрни, тур ва жанрлари ривождаги нотекислик сабаблари. Плакат санъатининг етакчилиги, унинг тур ва жанрлари. Ҳаётий (маиший) ва ҳажвий плакатлар, унинг етук вакиллари: Тула, Усто Наби Хофизов, Л.Бурэ ва б. Ижодкорларнинг миллий санъат анаъаналари ва жаҳон санъати анаъаналарни уйғунлаштириш асосида янги замон руҳига мос асар яратиш борасидаги ҳаракатлари. Яратилган асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари. Ижодкорларнинг миллий санъати анаъаналари ва жаҳон санъати анаъаналарини уйғунлаштириш асосида янги замон руҳига мос образли тасвир воситалари топишга интилишлари натижалари. Усто Наби Хофизов плакатлари хусусияти. Буре график рассом сифатидаги фаолияти хусусиятлари. Унинг дастгоҳ ва сатирик графика асарлари. «Эски мактаб», Бурэ плакатлари хусусиятлари ва мазмуни.

Китоб-газета-журнал графикаси ривожланишида нашр этилган журналлар. Машраб, Муштум, Чаён ва б. журналлар теъдарида график рассомлар гуруҳини шаклланиши.

Дастгоҳ графика ривожланишини ўзига хос томони, дастгоҳ графика рассом кечинма ва хиссётларининг иникоси сифатида. Техника рангбаранглиги (к туш, перо, рангли к к влам ва к,к). Газета-журнал саҳифаларида дастгоҳ. графика санъати ўрни. М. Курзин график рассом сифатида «Эски Тошкент хунарамдлари», «Хитой маска (ник театр)», «Бозорлар», «Мешчанлар» ва асарлари туркими, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари.

